**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

“ANOR BANK” АЖ
Кузатув кенгашининг
қарори билан

**Кузатув кенгаши раиси**

_______________ **Ш.Н. Носиров**

2026 йил 5 март 11-сон

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

“Leader Finance Capital” МЧЖ
(андеррайтер)

**Бош директор**

_______________ **М.Ў. Тиркашев**

2026 йил 5 март

# ОБЛИГАЦИЯЛАР ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ
# “ANOR BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

| **Идентификация рақами берилди:** | R | U | 3 | 0 | 1 | P | 0 | 9 | 1 | 6 | R | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, фоизли, номинал қиймати 100 000 (юз минг) сўм бўлган, умумий миқдори 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўмлик 500 000 (беш юз минг) дона корпоратив облигациялар.

**Бошқарув раиси** _______________ **Ш.С. Акрамов**

**Бош ҳисобчи** _______________ **У.М. Бабаев**

2026 йил 5 март.

---

**РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ ОРГАН УШБУ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯСИ РИСОЛАСИДАГИ АХБОРОТНИНГ ТЎҒРИЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАР БЎЛМАЙДИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ФАКТИ БИЛАН ЖОЙЛАШТИРИЛАЁТГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА НИСБАТАН ЎЗ МУНОСАБАТИНИ БИЛДИРМАЙДИ.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ 61-МОДДАСИГА МУВОФИҚ, ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ИНВЕСТИЦИЯ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ТАНЛАШ ВА ШУНГА МУВОФИҚ УШБУ ТАНЛОВНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ИНВЕСТОРНИНГ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИДИР.**

**ЖАМИЯТЛАР РИСОЛАДА КЕЛТИРИЛГАН БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР ИШОНЧЛИЛИГИ, ИНВЕСТОРЛАРНИ ЖАМИЯТЛАР ВА УЛАР ЖОЙЛАШТИРАДИГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МАСАЛАСИДА ЧАЛҒИТМАСЛИГИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ.**

---

### 1-боб. Жамият тўғрисида маълумот

| | |
|---|---|
| **1.** | **Жамият номи.** |
| | **Давлат тилида:**<br>Тўлиқ: «ANOR BANK» акциядорлик жамияти,<br>Қисқа: «ANOR BANK» АЖ.<br>**Рус тилида:**<br>Тўлиқ: Акционерное общество «ANOR BANK»,<br>Қисқа: АО «ANOR BANK».<br>**Инглиз тилида:**<br>Тўлиқ: Joint stock company «ANOR BANK»,<br>Қисқа: JSC «ANOR BANK». |
| **2.** | **Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар.** |
| | **а) бирламчи давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами:**<br>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2020 йил 22 августда 87-сон билан бирламчи давлат рўйхатидан ўтказилган.<br>**б) давлат рўйхатидан қайта ўтиш санаси ва рақами (қайта рўйхатдан ўтиш амалга оширилган бўлса):**<br>Қайта рўйхатдан ўтиш амалга оширилмаган.<br>**в) номи ўзгарган бўлса, аввалги барча қисқарган ва тўлиқ номлари, шунингдек, ўзгартирилган саналар кўрсатилади:**<br>Банкнинг номи ўзгармаган.<br>**д) агар жамият юридик шахс (шахслар)ни қайта ташкил этиш натижасида ташкил топган бўлса, қайта ташкил этилган шахслар ва (ёки) жамиятларнинг вориси эканлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади:**<br>жамият юридик шахс (шахслар)ни қайта ташкил этиш натижасида ташкил топмаган. |
| **3.** | **Жамиятнинг жойлашган жойи, телефон ва факс рақамлари, расмий веб-сайт ва электрон почта маълумотлари.** |
| | Манзил: 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Шахрисабз кўчаси 85 уй.<br>Мурожаат учун телефон: +998 (55) 503-00-00<br>Веб-сайт: www.anorbank.uz<br>Электрон почта: info@anorbank.uz |
| **4.** | **Жамиятнинг банк реквизитлари.** |
| | Банк: “ANOR BANK” АЖ<br>Ҳ/в: 2360 2000 5000 0118 3001<br>МФО: 01183 |
| **5.** | **Жамиятнинг солиқ органи номи ва СТИР.** |
| | Солиқ орган номи: Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Давлат солиқ инспекцияси<br>СТИР: 207 324 986 |
| **6.** | **Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар.** |
| | Ташкилий-ҳуқуқий шакллар таснифлагичи (ТҲШТ): 153<br>Маъмурий-ҳудудий объектларни белгилаш тизими (МҲОБТ): 1726290<br>Давлат бошқаруви идораларини белгилаш тизими (ДБИБТ): 04984<br>Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФТУТ): 64190 |
| **7.** | **Рейтинглар мавжудлилиги ҳақидаги маълумотлар.** |
| | **1.**<br>**а) рейтинг берилган объект (жамият, жамият қимматли қоғозлари):**<br>“ANOR BANK” АЖ |

| | |
|---|---|
| | **б) ҳужжатларни рўйхатга олиш учун рўйхатга олувчи органга тақдим этиш санасигача бўлган сўнгги 3 тугалланган ҳисобот йиллари учун рейтинг баҳоларининг ўзгариш тарихи:**<br>2023 йил – "B-", прогноз Барқарор (бирламчи берилган);<br>2024 йил – "B-", прогноз Барқарор (тасдиқланган);<br>2025 йил – "B-", прогноз салбий<br>**в) рейтингни берган ташкилотнинг тўлиқ ва қисқарган номи, юридик ва почта манзиллари:**<br>Халкаро рейтинг – Fitch Ratings.<br>Fitch Ratings, Inc халқаро рейтинг агентлигининг штаб-квартираси АҚШнинг Нью-Ёрк шаҳрида Whitehall St., 33, New York, NY 10004, United States манзилида жойлашган.<br>**г) рейтинг тўғрисида жамият билдиришни маъқул топган бошқа маълумотлар:**<br>Хаётийлик рейтинги (Viability Rating) – "B-"<br><br>**2.**<br>**а) рейтинг берилган объект (жамият, жамият қимматли қоғозлари):**<br>"ANOR BANK" АЖ<br>**б) ҳужжатларни рўйхатга олиш учун рўйхатга олувчи органга тақдим этиш санасигача бўлган сўнгги 3 тугалланган ҳисобот йиллари учун рейтинг баҳоларининг ўзгариш тарихи:**<br>2023 йил – "uzB++", "Барқарор" прогнози билан миллий шкала бўйича кредитга лаёқатлилик рейтинги берилди, кредитга лаёқатлилик даражаси: мувофиқ.<br>2024 йил – "uzA", "Барқарор" прогнози билан миллий шкала бўйича кредитга лаёқатлилик рейтинги берилди, кредитга лаёқатлилик даражаси: юқори.<br>2025 йил – "uzA", "Барқарор" прогнози билан миллий шкала бўйича кредитга лаёқатлилик рейтинги берилди, кредитга лаёқатлилик даражаси: юқори.<br>**в) рейтингни берган ташкилотнинг тўлиқ ва қисқарган номи, юридик ва почта манзиллари:**<br>Миллий рейтинг – Ahbor Reyting РА МЧЖ<br>Тошкент шаҳридаги "Аҳбор-Рейтинг" (Ахбор-Рейтинг) рейтинг агентлиги масъулияти чекланган жамияти. Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган.<br>**г) рейтинг тўғрисида жамият билдиришни маъқул топган бошқа маълумотлар:**<br>Миллий шкала бўйича юқори кредитга лаёқатлилик даражасини билдиради. |
| **8.** | **Жамият филиаллари ҳамда вакилликлари тўғрисида маълумот.** |

| № | Тўлиқ номи | Жойлашган манзили | Боғланиш учун алоқа маълумотлари |
|---|---|---|---|
| 1. | Ангрен савдо офиси | Ангрен шаҳри, 6/4 мавзе, Амир Темур кўчаси | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |
| 2. | Андижон савдо офиси | Андижон шаҳри, Меҳнат МФЙ, Бобур Шох кўчаси, 20г уй | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |
| 3. | Бухоро савдо офиси | Бухоро шаҳри, Баҳовуддин Нақшбанд кўчаси, 155/6 уй | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |
| 4. | Гулистон савдо офиси | Гулистон шаҳри, Ўзбекистон Шох кўчаси, 20-уй, 5-6 дўкон | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |
| 5. | Жиззах савдо офиси | Жиззах шаҳри, Обод МФЙ, А.Навоий кўчаси, 4А уй | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |
| 6. | Қарши савдо офиси | Қарши шаҳри, Мустақиллик МФЙ, И.Каримов кўчаси, 224-уй | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |
| 7. | Қўқон савдо офиси | Қўқон шаҳри, Истиқбол МФЙ, Тўққизбулоқ кўчаси, 9А-уй | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 8. | Навоий савдо офиси | Навоий шаҳри, Фаровон МФЙ, М.Таробий кўчаси, 122-уй | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |
| 9. | Наманган савдо офиси | Наманган шаҳри, Давлатобод тумани, Ўрта Ғирвон МФЙ, Н.Раҳимов кўчаси, 8-уй | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |
| 10. | Нукус савдо офиси | Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 35А-уй | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |
| 11. | Самарқанд савдо офиси | Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 60-уй | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |
| 12. | Тошкент савдо офиси | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 5-ўтиш, 4-уй | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |
| 13. | Термиз савдо офиси | Термиз шаҳри, Ибн Сино кўчаси, Дўстлик маҳалласи, 16-уй | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |
| 14. | Урганч савдо офиси | Урганч шаҳри, Тинчлик кўчаси, 88-уй | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |
| 15. | Ургут савдо офиси | Самарқанд вилояти, Урғут тумани, Навоий Шох кўчаси, 2А | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |
| 16. | Фарғона савдо офиси | Фарғона шаҳри, 12-Марифат МФЙ, Марифат кўчаси, 5/3-уй | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |
| 17. | Чирчиқ савдо офиси | Чирчиқ шаҳри, Хамза МФЙ, Заковат кўчаси, 81-уй | +998 55 503-00-00; +998 55 503-11-11 |

**9. Шўъба ва (ёки) тобе юридик шахслар тўғрисида маълумот (мавжуд бўлган тақдирда).**

| | **Тўлиқ номи** | **Солиқ тўловчининг индивидуал рақами** | **Жойлашган почта манзили ва боғланиш учун алоқа маълумотлари** | **Юридик шахсни банкга нисбатан шўъба деб топиш учун асос** | **Шуъба юридик шахс устав капиталида банкнинг улуши** |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «ANOR ESTATE» масъулияти чекланган жамияти | 312 133 555 | 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Шахрисабз кўчаси 85-уй. Тел: +998 94 064 86 88 | “ANOR BANK” АЖ Кузатув кенгашининг 2025 йил 8 майдаги 28-сонли баённомасига асосан “ANOR ESTATE” МЧЖ шўъба хўжалик жамиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. | 100 % |

**10. Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган саноат, банк, молиявий гуруҳлар, холдинглар, концернлар, уюшмалар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига тегишлилиги, товар, валюта, фонд, бошқа биржалардаги аъзолиги, уларнинг тўла номлари ва манзиллари кўрсатилган ҳолда.**

| | **Номи** | **Тўлиқ номи** | **Жойлашган манзили** |
|---|---|---|---|
| 1 | Саноат гуруҳлари | - | - |
| 2 | Банк гуруҳлари | - | - |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 3 | Молиявий гуруҳлар | - | - |
| | 4 | Биржалар | Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси | 100084, Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4 |
| | 5 | Уюшмалар | Ўзбекистон Банклари ассоциацияси | 100027, Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси 1 |

| | |
|---|---|
| **11.** | **Жамиятнинг ташкилий тузилмаси.** |
| | Банкнинг ташкилий тузилмаси ушбу эмиссия рисоласига илова қилинади. |
| **12.** | **Ишчиларнинг охирги 3 йил учун ўртача йиллик сони (одамлар).** |

| **Давр** (йил) | **Умумий сони** | **Маъмурий-бошқарув ходимлари** | **Жамиятнинг асосий фаолияти бўйича банд бўлган ходимлар** |
|---|---|---|---|
| 2023 | 810 | 4 | 806 |
| 2024 | 1 341 | 5 | 1 336 |
| 2025 | 1 481 | 6 | 1 475 |

| | |
|---|---|
| **13.** | **Жамият устав капиталининг 5 ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар (ушбу илованинг 9-бандида кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно).** |

| | **Тўлиқ номи** | **Солиқ тўловчининг индивидуал рақами** | **Жойлашган манзиллари ва боғланиш учун маълумотлар** | **Жамият устав капиталидаги улуши** |
|---|---|---|---|---|
| 1 | “Bekamin B.V.” | 74996002 (KVK) | Нидерландия Қироллиги, Роттердам шаҳри, Weena 695, V7.052, 3013AM, +998 93 528-82-10 | 50,00 фоиз 400 000 000 дона оддий акциялар |

| | |
|---|---|
| **14.** | **Корпоратив бошқарув кодексининг жамият томонидан қабул қилинган санаси (агар Низомда уни қабул қилиш кўзда тутилган бўлса)** |
| | Банкнинг Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилиш тўғрисидаги қарори 2020 йил 21-октябр куни акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган. |
| **15.** | **Жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун ошкор қилиниши муҳим деб билган бошқа маълумотлар.** |
| | Бошқа маълумотлар кўзда тутилмаган. |

## 2-боб. Келгуси қимматли қоғозлар чиқарилишини муомалага киритиш шартлари

| | |
|---|---|
| **17.** | **Келгуси облигациялар чиқарилиши шартлари.** |
| | **а) облигациялар чиқарилиши ҳақида маълумотлар:**<br>***облигациялар тури:*** Эгасининг номи ёзилган, фоизли.<br><br>***облигациянинг номинал қиймати, сўмда***: 100 000 (юз минг сўм).<br><br>***облигациялар сони:*** 500 000 (беш юз минг) дона.<br><br>***облигациялар чиқарилишининг умумий ҳажми:*** 50 000 000 000 (эллик миллиард).<br><br>***тўлов усули ва жойлаштириладиган облигациялар нархи (қиймати):***<br>Облигациялар жойлаштириш нархи жойлаштириш муддатининг 1-4 чи 90 кунлик оралиқ даврларнинг биринчи кунида номинал қийматига, яъни 100 000 сўмга тенг бўлади. Мазкур даврларнинг иккинчи кунидан бошлаб облигацияларнинг номинал қийматига облигациялар бўйича ҳисобланган фоизли даромад (ҲФД) қўшилган ҳолда сотилади. |

| | | |
|---|---|---|
| | | Облигациянинг жойлаштириш нархи қуйидаги формула орқали ҳисобланади:<br>J = N + (N * C) / 365 * (M-1)<br>J – облигациянинг жойлаштириш нархи;<br>N – облигациянинг номинал қиймати;<br>C – облигациянинг фоиз ставкаси: *йиллик 22% (йигирма икки фоиз)*;<br>M – оралиқ даврнинг жойлаштириш куни.<br>*Изоҳ: Жойлаштириш нархи бир тийинга қадар аниқлик билан белгиланади. (Йириклаштириш математик яхлитлаш қоидалари асосида амалга оширилади. Бунда яхлитланадиган рақамдан кейинги биринчи сон 1 дан 4 гача тенг бўлса бутун тийиннинг аҳамияти ўзгармайди ҳамда агар яхлитланадиган рақамдан кейинги сон 5 дан 9 гача тенг бўлса у бирга кўпайган ҳолда ўзгаради).*<br>Облигациялар учун тўлов накдсиз ҳисоб-китоблар орқали Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигида (сўмда) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва биржа қоидаларига мувофиқ пул маблағлари билан амалга оширилади.<br>Облигациялар бўйича пул бўлмаган воситалар билан тўловлар кўзда тутилмаган.<br><br>**б) облигациялар бўйича даромад олиш:**<br>***облигациялар бўйича мукофотни аниқлаш тартиби:***<br>Ушбу облигациялар бўйича фоизли даромад йиллик ҳисобида облигациянинг номинал қийматига нисбатан 22 (йигирма икки) фоизни ташкил қилади.<br>Ҳар бир облигация бўйича фоизли даромад муомала муддати давомида ҳар бир оралиқ давр учун ҳисобланади ва қонунчиликда белигланган тартибда тўланади. Бунда облигация бўйича фоизли даромадларни тўлаш ҳар бир оралиқ даврнинг охирги кунига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигация эгалари реестрига асосан амалга оширилади.<br>Фоизли даромад қуйидаги формула орқали ҳисобланади:<br>Dn = N * C * 90 / 365<br>Dn – облигация бўйича ҳисобланган фоизли даромад;<br>N – облигациянинг номинал қиймати;<br>C – облигациянинг фоиз ставкаси (йиллик ҳисобида);<br>90 – оралиқ даврдаги кунлар сони.<br>*Изоҳ: Фоизли даромад миқдори бир тийинга қадар аниқлик билан белгиланади. (Йириклаштириш математик яхлитлаш қоидалари асосида амалга оширилади. Бунда яхлитланадиган рақамдан кейинги биринчи сон 1 дан 4 гача тенг бўлса бутун тийиннинг аҳамияти ўзгармайди ҳамда агар яхлитланадиган рақамдан кейинги сон 5 дан 9 гача тенг бўлса у бирга кўпайган ҳолда ўзгаради).*<br><br>***облигациялар бўйича мукофотни тўлаш даврийлиги ва (ёки) облигациялар бўйича мукофотни тўлаш санаси***: Ҳар бир облигация бўйича фоизли даромад муомала муддати давомида ҳар бир оралиқ давр учун ҳисобланади ва тўланади. Бунда облигация бўйича фоизли даромадларни тўлаш ҳар бир оралиқ даврнинг охирги кунига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигация эгалари реестрига асосан амалга оширилади.<br><br>***облигациялар бўйича мукофотни тўлашни бошлаш санаси:*** Облигациялар бўйича ҳисобланган фоизли даромадлар облигация эгалари реестри ёпилган кундан бошлаб қонунчиликда белгиланган тартибда 10 (ўн) иш куни ичида тўланади.<br><br>***облигациялар бўйича мукофотни тўлаш тартиби ва усуллари, облигациялар бўйича мукофотни олиш усуллари:*** Облигация бўйича фоизли даромад ҳар бир оралиқ давр учун тўланадиган фоизли даромаддан иборат. |

| | |
|---|---|
| | Облигациялар бўйича даромадларни тўлаш мақсадида қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан ҳар бир оралиқ даврнинг охирги куни якунига кўра шакллантирилган облигациялар эгаларининг реестри олинади.<br>Облигациялар бўйича ҳисобланган фоизли даромадлар облигация эгалари реестри ёпилган кундан бошлаб қонунчиликда белгиланган тартибда 10 (ўн) иш куни ичида тўланади.<br>Облигациялар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли даромадлар билан боғлиқ ахборот ўрнатилган тартибда Корпоратив ахборот ягона портали (www.openinfo.uz), “Тошкент” Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz), Банкнинг расмий веб-сайтида (www.anorbank.uz) қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор қилинади.<br>Шунингдек, Банк облигациялар эгаларининг реестрини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.<br>Инвесторлар сотиб олган Банк облигацияларига ҳисобланган фоизли даромадлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ даромад солиғига тортилади.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 январдаги ПҚ-90-сонли Қарори 1-бандига кўра, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик жамиятлари облигациялари бўйича ҳисобланган фоизлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан 2022 йил 1 апрелдан 2028 йил 31 декабрга қадар озод қилинган.<br>Юқоридаги Қарорда белгиланган имтиёз муддати тугаганидан сўнг, облигация эгасига даромад солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар (даромад солиғини тўлашдан озод этиш киритилган ҳолда) қўлланилган тақдирда, бундай облигация эгаси Банкни олдиндан солиқ имтиёзи мавжудлиги юзасидан хабардор этиши шарт.<br>Ушбу хабарномада инвестор мажбурий тартибда қуйидаги ахборотларни баён этиши лозим:<br>- солиқ имтиёзини қўллаш учун асос бўлиб ҳисобланган меъёрий ҳужжат номи (ушбу меъёрий ҳужжатнинг нусхасини хатга илова қилинган ҳолда);<br>- облигация эгасига бундай имтиёз қўлланилиши учун асос.<br>Инвестор мазкур имтиёзни қўллаш бўйича хабарномани облигацияларнинг оралиқ даври якунига қадар, камида беш календарь кун олдин Банкга тақдим этиши лозим.<br><br>**в) облигацияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари:**<br>***жойлаштириш усули:*** Ушбу чиқарилишдаги корпоратив облигациялар сони чекланмаган инвесторлар орасида очиқ обуна йўли билан жойлаштирилади.<br><br>***ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сотиб олишга бўлган чекловлар:*** Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сотиб олинишига чекловлар кўзда тутилмаган.<br><br>***облигацияларни жойлаштириш муддати ва тартиби:*** Мазкур чиқарилишдаги облигациялар ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 365 кун ичида жойлаштирилади.<br><br>***жойлаштиришни бошланиш санаси:*** мазкур облигациялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар ва эмиссия рисоласи оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган санадан кейинги ўн бешинчи кун. Агар облигацияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси дам олиш кунига тўғри |

келса, бу ҳолда облигацияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

***жойлаштиришни тугаш санаси***: ушбу чиқарилишнинг охирги облигацияси жойлаштирилган куни ҳисобланиб, ушбу сана облигациялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.

***облигациялар реализация қилинадиган жойлар (қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг номи ва унинг маълумотлари):*** Ушбу чиқарилишдаги облигациялар “Тошкент” Республика фонд биржасида биржа қоидаларига асосан битимлар тузиш йўли билан жойлаштирилади.

"Тошкент" Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти.

Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй. info@uzse.uz, www.uzse.uz, +998 71 267-18-23.

**г) облигациялар муомаласи тартиби ва шартлари:**

Облигацияларнинг муомаласи қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганидан ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига ҳисобга қўйилганидан сўнг амалга оширилади. Облигациялар Банкга хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачисидаги депо ҳисоб рақамига кўчирилади.

Мазкур чиқарилишдаги облигацияларнинг муомала муддати ушбу чиқарилишдаги облигацияларни жойлаштириш бошланган кундан 1080 (Бир минг саксон) кун.

Муомала муддати фоизларни тўлаш мақсадида ҳар бири 90 кундан иборат бўлган 12 та оралиқ даврларга бўлинган.

Облигациялар муомаласи олди-сотди битимларини тузиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган, қимматли қоғозлар эгасининг ўзгаришига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

Облигациялар биржа ва биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлиши мумкин. Облигацияларга бўлган ҳуқуқлар олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Облигация билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар ушбу облигацияга бўлган ҳуқуқлар ўтган кундан эътиборан олувчига ўтади.

Облигацияларнинг иккиламчи бозордаги муомаласи уларни жойлаштириш тугаганидан сўнг йўл қўйилади.

**д) облигацияларни сўндириш тартиби ва шартлари:**

***облигацияларни сўндириш санаси:*** Облигацияларни сўндиришни бошланиш санаси, жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб 1081-кун (Бир минг саксон бир) ҳисобланади.

***облигацияларни сўндириш усули:*** Мазкур корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан чиқарилган облигацияларнинг эгалари ўзларига тегишли облигацияларга тўлиқ сўндириш санасигача эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

Банк, сўндириш санасига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигация эгаларининг реестри асосида пул маблағларини қонунчиликда белгиланган тартибда қайтаради. Мазкур реестр Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан сўндиришни бошланиш санасидан 5 (беш) иш куни давомида олинади.

| | |
|---|---|
| | Пул маблағларини қайтариш муддатлари облигациялар сўндириш кунидан бошлаб 10 (ўн) иш куни давомида амалга оширилади. Тўловларни амалга ошириш мақсадида ажратилган кунлар учун фоизлар тўланмайди.<br>Шунингдек, Банк облигациялар эгаларининг реестрини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.<br><br>**е) облигацияларни муддатидан олдин сўндириш имконияти ва шартлари:**<br>Облигациялар қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин сўндирилади:<br>- Банк тугатилган тақдирда;<br>- ушбу облигациялари чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда.<br>Банк тугатилган тақдирда қонунчиликда ўрнатилган тугатиш тартибига кўра, облигация номинал қиймати ва фоизли даромад тўлови амалга оширилади.<br>Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, облигацияларни сўндириш ушбу қарорнинг 17-банди “ж”-кичик бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.<br><br>Облигация эгалари аризасига кўра облигациялар муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда сўндирилиши мумкин:<br>- Банк қайта ташкил этилган тақдирда;<br>- Банк ўз капитали миқдори қонунчиликда белгиланган миқдордан камайган тақдирда;<br>- облигация эгаларининг аризасига кўра, муомала муддатиниг 721-кунидан бошлаб.<br>Мазкур ҳолларда облигация эгалари ушбу облигацияларни муддатидан олдин сўндириш бўйича ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.<br>Банк ариза келиб тушган кундан бошлаб 10 иш куни ичида облигацияларни қайта сотиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.<br>Облигацияни қайта сотиб олиш Банк ва облигация эгалари инвестиция воситачилари орқали қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик ва қимматли қоғозлар савдолари ташкилотчиси қоидаларига асосан амалга оширилади.<br>Қайтариб сотиб олиш нархи облигацияларнинг номинал қиймати ҳамда ҳисобланган фоиз даромади йиғиндисига тенг бўлади. Фоиз даромади ушбу Қарорнинг 17-банди “б”-кичик бандига мувофиқ ҳисобланади.<br>Ариза облигация эгаси томонидан ёзма шаклда (pdf форматдаги скан-нусха) Банкнинг расмий электрон почта манзилига (info@anorbank.uz) юборилиши лозим, унда облигация эгасини идентификация қилиш имконини берувчи маълумотлар, облигациялар сони, шунингдек унинг алоқа маълумотлари кўрсатилиши ва ариза бевосита облигация эгаси ёки қонуний вакили (ваколатни тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда) томонидан имзоланган бўлиши шарт.<br>Банкнинг облигацияларни муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборот ўрнатилган тартибда Банкнинг расмий веб-сайтида (www.anorbank.uz) ва оммавий ахборот воситалари орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор қилинади.<br><br>**ж) қимматли қоғозлар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, жамият томонидан облигациялар учун тўлов сифатида олинган маблағларни қайтариш тартиби:** Облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган ва/ёки ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz), “Тошкент” Республика фонд |

| | |
|---|---|
| | биржасининг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz) ҳамда Банкнинг расмий веб-сайтида (www.anorbank.uz) эълон қилинади.<br>Облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган ва облигациялар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарори Банк томонидан олинган сана ҳолатига шакллантирилган облигация эгаларининг реестри асосида, ушбу қарор олинган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида реестрда қайд этилган шахсларга облигацияларнинг номинал қиймати ва уларга ҳисобланган фоизли даромадлари қонунчиликда белгиланган тартибда тўлаб берилади.<br>Облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган ва облигациялар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарори Банк томонидан олинган санадан бошлаб, фоизли даромадлар ҳисобланиши тўхтатилади.<br><br>**з) айирбошланадиган облигациялар тўғрисида маълумот:** Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни айирбошлаш кўзда тутилмаган.<br><br>**и) ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот:** Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот кўзда тутилмаган.<br>**к) гаров сифатида тақдим этилган мол-мулкни баҳолашда қатнашган баҳоловчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар:** Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича бундай таъминот кўзда тутилмаган.<br><br>**л) банк кафолатини тақдим этган банк тўғрисидаги маълумотлар:** Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича банк кафолати кўзда тутилмаган.<br><br>**м) облигацияларнинг ушбу чиқарилиши бўйича жамиятнинг мажбуриятларини суғурталаган суғурта ташкилоти тўғрисида маълумотлар:** Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича суғурта ташкилоти томонидан суғурта қилиниши кўзда тутилмаган.<br><br>**н) облигацияларни жойлаштиришдан олинган пуллардан фойдаланишнинг мақсади:** Банк томонидан облигацияларни жойлаштириш натижасида жалб этиладиган маблағлар банк ликвидлигини мустаҳкамлаш ва кредитларни молиялаштириш мақсадида фойдаланилади.<br><br>**о) облигациялар эгасига бериладиган ҳуқуқлар:**<br>Мазкур чиқарилишдаги ҳар бир облигация ўз эгаларига қуйидаги ҳуқуқларни беради:<br>- облигация эгалари ушбу қарорда белгиланган муддатда облигация учун белгиланган фоизли даромадни олиш;<br>- облигация эгалари қимматли қоғозлар бозоридаги ўз таваккалчиликларини суғурта қилдириш;<br>- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;<br>- ушбу рисоланинг 17-банди “е”-кичик бандида белгиланган ҳолларда облигацияларни муддатидан олдин сўндиришни талаб этиш;<br>- ўзига тегишли корпоратив облигацияларни учинчи шахсга сотиш ва қайта сотиб олиш ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа йўллар билан бошқа шахсга бериш;<br>- облигациялар бўйича Банк томонидан тўлов мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда ушбу масала юзасидан давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини |

тартибга солиш бўйича ваколат берилган органда, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

**п) инвестор томонидан сотиб олинган облигациялар бўйича олинган даромадни солиққа тортиш тўғрисидаги маълумот:** Инвесторлар сотиб олган Банк облигацияларига ҳисобланган фоизли даромадлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ даромад солиғига тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 январдаги ПҚ-90-сонли Қарори 1-бандига кўра, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик жамиятлари облигациялари бўйича ҳисобланган фоизлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан 2022 йил 1 апрелдан 2028 йил 31 декабрга қадар озод қилинган.

**р) рўй бериши оқибатида жамиятнинг облигациялари бўйича мажбуриятлар бажарилмаслиги эҳтимоли бўлган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар:** Банк облигациялар бўйича мажбуриятларини қуйидаги ҳодисалар рўй берган ҳолларда бажара олмаслиги мумкин:

- табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар;
- Банк фаолиятини мажбурий (Марказий банк томонидан лицензия чақириб олинганда) шаклда тугатиш тўғрисидаги қарор қилинганда;
- Банк банкрот деб топилган тақдирда.

Банк лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тиклаш, тугатиш ва уни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларини белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида, шунингдек Марказий банк ва Банкнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Банк облигациялар бўйича мажбуриятларни бажара олмаслиги ёки лозим даражада бажара олмаслиги юзасидан қарор қабул қилиш кунига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан облигация эгалари реестрини олади. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан тақдим қилинган облигация эгалари реестрига мувофиқ, Банк облигациялар бўйича мажбуриятларни бажара олмаслиги ёки лозим даражада бажара олмаслиги юзасидан кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, (облигацияларини муомаладан чиқариш ва уларга ҳисобланган фоизларни тўлаш юзасидан) қарорлар қабул қилинади.

**с) жамият облигациялар бўйича мажбуриятларини бажаришдан бош тортган тақдирда, облигациялар эгалари ҳаракатларининг тавсифи:** Банк облигациялар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги бўйича Банк кузатув кенгаши қарори қабул қилинган кундан 5 (беш) иш куни ичида, облигация эгаларини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигация эгаларининг реестрида қайд этилган маълумотлар асосида ёзма шаклда хабардор қилади ҳамда белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи веб-сайти ва Банк веб-сайтида эълон қилади.

Банк кузатув кенгаши қарорида, Банк облигациялар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар миқдори, мажбуриятларнинг бажарилмаслигининг сабаби, шунингдек, облигациялар эгаларининг ўз талабларини қондириш бўйича ҳаракатлари таснифи баён қилинади.

Банк облигациялар бўйича мажбуриятларини бажаришдан бош тортган тақдирда, облигация эгалари ўз талабларини қондириш бўйича мумкин бўлган ҳаракатлари қуйидагилар:

| | |
|---|---|
| | - Банкга бажарилмаган мажбуриятларини қонунчиликда белгиланган тартибда бажарилиши юзасидан мурожаат қилиш;<br>- қимматли қоғозлар бозорида ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш;<br>- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ва бошқа давлат органларига ариза билан мурожаат қилиш.<br><br>**т) жамиятнинг тўлов агенти тўғрисидаги маълумот (мавжуд бўлган тақдирда):** Тўлов агенти жалб қилинмаган. |
| **17[1].** | **Мазкур чиқарилув асос учун бўлган серияли облигациялар дастури тўғрисидаги маълумотлар (облигация дастури доирасида илгари чиқарилган ва жойлаштирилган облигациялар сони, умумий ҳажми, рўйхатдан ўтган сана, рақами ва ҳоказо):** |
| | Серияли (облигациявий дастурга асосланган) облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган. |

**3-боб. Эмиссия тўғрисидаги қўшимча маълумотлар**

| | |
|---|---|
| **18.** | **Ушбу қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган жамият органи ва қарор қабул қилинган сана.** |
| | Банк кузатув кенгашининг 2026 йил 5 мартдаги мажлиси 11-сонли Қарори. |
| **19.** | **Ушбу чиқарилиш бўйича жамият томонидан жалб қилинган қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ҳақида маълумот:** |
| | Ушбу чиқарилиш бўйича Банк томонидан андеррайтер сифатида “Leader Finance Capital” МЧЖ жалб этилган.<br>- Тўлиқ номи: “Leader Finance Capital” масъулияти чекланган жамияти.<br>- Ташкилий ҳуқуқий шакли: масъулияти чекланган жамияти.<br>- Жойлашган ери ва почта манзили: 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй.<br>- Алоқа телефонлар: (998 99) 444-53-53<br>- Электрон почта: info@lfcapital.uz<br>- Веб-сайт: lfcapital.uz.<br>- профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2023 йил 25 январда қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун берилган 060102-сонли лицензияга асосан хизмат кўрсатади. Лицензиянинг амал қилиш муддати чегараланмаган.<br><br>***Жамият томонидан инвестиция маслаҳатчиси жалб қилинган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи органга фаолият бошланиши тўғрисида хабарнома юборганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади:*** Ушбу чиқарилиш бўйича инвестиция маслаҳатчиси жалб этилмаган.<br><br>***Жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида тузилган шартномаси санаси ва рақами:*** 2026 йил 5 мартдаги 1-сон. |
| **20.** | **Мустақил аудитор тўғрисидаги ахборот.** |
| | **Сўнгги тугалланган 3 молия йилида жамият молия ҳисоботи аудитини амалга оширган аудиторлик ташкилотининг тўлиқ расмий номи (аудитор Ф.И.О.):**<br>1. Тўлиқ номи: "PKF MAK ALYANS" МЧЖ Аудиторлик ташкилоти - 2025 йил (аудитор Алимжон Исаков) |

| | |
|---|---|
| | Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Авиасозлар кўчаси, 22-уй.<br>Мурожаат учун телефонлар: +998 78 147-77-44<br>Факс: +99871 294-73-86<br>Электрон почта: info@pkf.uz<br>Веб-сайт: www.pkf.uz<br><br>2. Тўлиқ номи: "ERNST & YOUNG" МЧЖ Аудиторлик Ташкилоти – 2024 йил (аудитор Анвархон Азамов)<br>Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 75-уй.<br>Мурожаат учун телефонлар: +998 (78) 140-64-82<br>Электрон почта: uzeytashkent@uz.ey.com<br>Веб-сайт: www.ey.uz<br><br>3. Тўлиқ номи: "ERNST & YOUNG" МЧЖ Аудиторлик Ташкилоти - 2023 йил (аудитор Анвархон Азамов)<br>Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 75-уй.<br>Мурожаат учун телефонлар: +998 (78) 140-64-82<br>Электрон почта: uzeytashkent@uz.ey.com<br>Веб-сайт: www.ey.uz |
| **20[1].** | **Облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни Миллий яшил таксономия ва/ёки бошқа эквивалент таксономиялар талабларига мувофиқ ишлатиш мақсади тўғрисида маълумот (яшил корпоратив облигациялар учун).** |
| | Яшил корпоратив облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган. |
| **20[2].** | **Миллий яшил таксономия ва/ёки бошқа эквивалент таксономиялар талаблари доирасида эришиладиган режалаштирилган натижалар (KPI) тўғрисида маълумот (яшил корпоратив облигациялар учун).** |
| | Яшил корпоратив облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган. |
| **20[3].** | **Яшил стандартларга мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги, шунингдек, бундай сертификатни берган ташкилот тўғрисидаги маълумотлар (яшил корпоратив облигациялар учун).** |
| | Яшил корпоратив облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган. |
| **21.** | **Мазкур чиқарилиш билан боғлиқ тегишли хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома тузилган юридик ва молия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг тўлиқ номи:** |
| | Мазкур чиқарилиш билан боғлиқ тегишли хизматларни кўрсатиш бўйича юридик ва молия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан шартнома тузилмаган. |
| **22.** | **Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи ташқилотлар тўғрисида маълумот.** |
| | **Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси тўғрисида маълумотлар:**<br>*Тўлиқ номи:* “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” акциядорлик жамияти.<br>*Ташкилий ҳуқуқий шакли:* акциядорлик жамияти.<br>*Жойлашган ери ва почта манзили:* 100170, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй.<br>*Алоқа телефонлар:* +998 (71) 211-09-09.<br>*Электрон почта:* info@uzcsd.uz.<br>**Инвестиция воситачиси тўғрисида маълумотлар:**<br>*Тўлиқ номи:* “Leader Finance Capital” масъулияти чекланган жамият. |

| | |
|---|---|
| | *Ташкилий ҳуқуқий шакли:* масъулияти чекланган жамият.<br>*Жойлашган ери ва почта манзили:* 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй.<br>*Алоқа телефонлар:* +998 (99) 444-53-53, электрон почта: info@lfcapital.uz.<br>Профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2023 йил 25 январда қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун берилган 060102-сонли лицензияга асосан хизмат кўрсатади. Лицензиянинг амал қилиш муддати чегараланмаган.<br>*Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи ташкилот билан тузилган шартнома санаси ва рақами:* 2026 йил 5 мартдаги 39/26-Е-сон. |
| **23.** | **Рўйхатга олинган облигациялар чиқарилишлари тўғрисидаги маълумотлар.** |
| | Банк томонидан илгари облигациялар жойлаштирилмаган. |

**4-боб. Жамиятнинг бошқарув ва ижро органлари тўғрисидаги маълумот.**

| | |
|---|---|
| **24.** | **Жамият кузатув кенгаши аъзолари тўғрисидаги маълумотлар.** |

| **Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.** | **Кузатув кенгаши аъзолари сайланган сана ва уларнинг сўнгги 3 йил ичидаги ва ҳозирги вақтдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги Хронологик тартибдаги маълумотлар** | **Кузатув кенгаши ҳар бир аъзосига тегишли банкнинг устав капиталидаги улуши** | |
|---|---|---|---|
| | | **Акция сони** | **Улуш фоизда** |
| Носиров Шоодил Носирович | 30.06.2025 йилда Кузатув кенгаши раиси сифатида сайланган.<br>01.2018 й. – ҳозирги вақтгача - "Grant Thornton" маъсулияти чекланган жамият шаклидаги Аудиторлик ташкилоти Бош директор ўринбосари | 0 | 0 |
| Олимов Кахрамонжон Анварович | 30.06.2025 йилда сайланган.<br>06.2018 – х.в. «Капитал суғурта» акциядорлик жамияти Бош директори маслаҳатчиси | 395 100 000 | 49,39 % |
| Алимов Икром Исмаилджанович | 30.06.2025 йилда сайланган.<br>05.2015- х.в.. - МЧЖ “Start Soft” директори | 0 | 0 |
| Максимилиан Эдвард Джонсон | 31.07.2025 йилда сайланган.<br>08.2020 – х.в.- Max Murray Limited директори | 0 | 0 |
| Юлдашев Бахадир Ташпулатович | 02.10.2025 йилда сайланган.<br>07.2019 – х.в. “CASH U MIKROKREDIT TASHKILOTI” МЧЖ, ижрочи директор маслаҳатчиси | 0 | 0 |
| Стефания Гэнэлль Ривоаль | 02.10.2025 йилда сайланган.<br>07.2024 –х.в.-YouSchool, Франция, миссия қўмитаси аъзоси | 0 | 0 |
| Шамансурова Барно Музаффаровна | 02.10.2025 йилда сайланган.<br>10.11.2025 – х.в. «CLEVER Mikrokredit Tashkiloti» МЧЖ Ижрочи директор маслаҳатчиси | 0 | 0 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Джуманиязова Анаджан Кудратовна | 02.10.2025 йилда сайланган.<br>10.11.2025 – х.в. «CLEVER Mikrokredit Tashkiloti» МЧЖ Ижрочи директор маслаҳатчиси | 0 | 0 |
| Сафаров Музаффар Абдиназарович | 02.10.2025 йилда сайланган.<br>08.2018 – 09.2024 йй.- “Ипак Йўли” Акциядорлик Инновация Тижорат Банки Бошқарув Раиси ўринбосари<br>12.2024 – 02.2025 йй.- “ANOR BANK” Акциядорлик жамияти Бошқарув Раиси маслаҳатчиси<br>02.2025 – 08.2025 йй.- “ANOR BANK” Акциядорлик жамияти Бошқарув раиси ўринбосари | 0 | 0 |

**25. Жамият кузатув кенгаши қўмиталари тўғрисидаги ахборот.**

| | Номи | Вазифа ва функциялари | Таркиби |
|---|---|---|---|
| **1** | Аудит Қўмитаси | Ички назорат тизимини самарали ташкил этиш мақсадида Банк Кузатув кенгаши ҳузурида Аудитор қўмитаси ташкил этилди.<br><br>Қўмитанинг вазифаси банк Кузатув кенгаши томонидан назоратни таъминлашга кўмаклашиш, хусусан:<br>-Банкнинг ташқи аудиторлик ташкилотининг малакаси ва мустақиллиги учун;<br>-Банкнинг ички аудит бошқармаси фаолияти учун;<br>-Банкнинг молиявий ва бухгалтерия ҳисоби сифати ва тўлиқлиги учун;<br>-Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси қоонун ҳужжатлари талабларига ва ваколатли(назорат қилувчи) давлат органларининг талабларига риоя этилиши юзасидан. | 1. Шамансурова Барно Музаффаровна - Қўмита раиси<br>Лавозими: Ижрочи директор маслаҳатчиси<br>Иш жойи: "CLEVER Mikrokredit Tashkiloti" МЧЖ<br>2. Носиров Шоодил Носирович - Қўмита аъзоси<br>Лавозими: Директор ўринбосари<br>Иш жойи: "GRANT THORNTON" МЧЖ<br>3. Юлдашев Бахадир Ташпулатович - Қўмита аъзоси<br>Лавозими: Ижрочи директор маслаҳатчиси<br>Иш жойи: "CASH U MIKROKREDIT ТАШКИЛОТИ" МЧЖ<br>4. Алимов Икром Исмаилжанович - Қўмита аъзоси<br>Лавозими: Директор<br>Иш жойи: "Start Soft" МЧЖ |
| **2** | Банк хатарларини назорат қилиш қўмитаси | Қўмита фаолиятининг асосий мақсади банк Кузатув кенгашига банкда рискларни бошқаришнинг адекватли тизимининг мавжудлиги ва ишлашини назорат қилиш, рискларни таҳлил қилиш, такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш уни тартибга солиш ва назорат қилиш функцияларини амалга оширишда ёрдам беришдан иборат. | 1. Сафаров Музаффар Абдиназарович - Қўмита раиси<br>Лавозими: Кузатув кенгаши аъзоси<br>Иш жойи: "ANOR BANK" АЖ<br>2. Носиров Шоодил Носирович - Қўмита аъзоси<br>Лавозими: Директор ўринбосари<br>Иш жойи: "GRANT THORNTON" МЧЖ<br>3. Шамансурова Барно Музаффаровна - Қўмита аъзоси<br>Лавозими: Ижрочи директор маслаҳатчиси<br>Иш жойи: "CLEVER Mikrokredit Tashkiloti" МЧЖ |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| 3 | Мукофотлар бўйича қўмита | Мукофотлар бўйича қўмита банк бошқарувига юқори малакали мутахассисларни танлаш, Бошқарув раиси лавозимига кадрлар сиёсатини шакллантириш, ходимларга тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдорини белгилаш тамойиллари ва мезонларини ишлаб чиқиш мақсадида, ҳамда банк ходимларини рағбанлантиришнинг шаффоф тизимини ишлаб чиқиш, ходимларни бошқариш соҳасида самарали модель ва ечимларни яратиш ва жорий этиш бўйича тавсиялар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган. | Қўмита таркиби:<br>1. Олимов Кахрамонжон Анварович – Қўмита раиси.<br>Лавозими: Бош директор маслаҳатчиси<br>Иш жойи: АЖ «Капитал Суғурта»<br>2. Джуманиязова Анаджан Кудратовна - Қўмита аъзоси<br>Лавозими: Ижрочи директор маслаҳатчиси<br>Иш жойи: "CLEVER Mikrokredit Tashkiloti" МЧЖ<br>3. Акрамов Шерзод Салимович – Қўмита аъзоси<br>Лавозими: Бошқарув Раиси<br>Иш жойи: АЖ «ANOR BANK»<br>4. Занахов Тимур Фархидович – Қўмита аъзоси<br>Лавозими: Юридик бошқарма бошлиғи<br>Иш жойи: АЖ «ANOR BANK»<br>5. Илхомжонов Алижон Санъатжон ўғли - қўмита аъзоси<br>Лавозими: Мотивация, компенсация ва имтиёзлар бошқармаси бошлиғи<br>Иш жойи: "ANOR BANK" АЖ |
| **4** | Халқаро ҳамкорлик ва капитални жалб этиш қўмитаси | Банкнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, хорижий молия институтлари, халқаро ташкилотлар ҳамда инвесторлар билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш, шунингдек капитални жалб этиш бўйича ёндашувларни шакллантириш ва амалга ошириш билан шуғулланади. Қўмита халқаро ва инвестиция соҳаларидаги муҳим ташаббус ва лойиҳаларни кўриб чиқади, уларнинг самарадорлиги ва хатарларини баҳолайди ҳамда Банк фаолиятининг стратегик мақсадлар ва тартибга солувчи талабларига мувофиқлигини таъминлайди. | 1. Стефания Гуэнаэлле Ривоал - Қўмита раиси<br>Лавозими: Миссия қўмитаси аъзоси<br>Иш жойи: YouSchool<br>2. Максимилиан Эдвард Жонсон - Қўмита аъзоси<br>Лавозими: Директор<br>Иш жойи: Max Murray Limited, Лондон<br>3. Нурутдинова Мадина Джалалитдиновна - Қўмита аъзоси<br>Лавозими: Бошқарув раисининг ўринбосари<br>Иш жойи: "ANOR BANK" АЖ<br>4. Мирзаҳидов Мирсодиқ Мирзоҳид ўғли - Қўмита аъзоси<br>Лавозими: Халқаро муносабатлар бошқармаси бошлиғи<br>5. Акрамов Шерзод Салимович - Қўмита аъзоси<br>Лавозими: Бошқарув раиси<br>Иш жойи: "ANOR BANK" АЖ |

| **26.** | **Жамиятнинг коллегиал (якка) ижроия органи тўғрисида маълумотлар.** |
|---|---|

| **Банк Бошқаруви раиси ва аъзолари Ф.И.Ш.** | **Банк Бошқаруви раиси ва аъзолари сайланган сана, сўнгги 3 йил ичидаги ва ҳозирги вақтдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги хронологик тартибдаги маълумотлар** | **Банк Бошқаруви раиси ва аъзоларига тегишли Банкнингнинг овоз берувчи акцияларининг Банк** |
|---|---|---|

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | устав капиталидаги овоз берувчи акцияларнинг умумий ҳажмига фоиз нисбати |
| | | Акрамов Шерзод Салимович | Бошқарув раиси. Тайинланган сана – 04.09.2020й.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>04.09.2020й. – х.в.: "ANOR BANK" АЖ Бошқарув Раиси | 0 |
| | | Наджимитдинов Элер Рустамович | Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари. Тайинланган сана – 01.02.2022й.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>01.02.2022й. - ҳ.в.: “ANOR BANK" АЖ Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари | 0 |
| | | Кадиров Элбек Рустамович | Бошқарув раиси ўринбосари. Тайинланган сана – 09.08.2022й.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>09.08.2022й. - ҳ.в.: “ANOR BANK" АЖ Бошқаруви раиси ўринбосари | 0 |
| | | Сайдуллаев Анвар Рустамович | Бошқарув раиси ўринбосари. Тайинланган сана – 15.11.2023й.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>01.12.2022й. – 14.11.2023й. “Uzum Bank” АЖ Бошқаруви раиси ўринбосари;<br>15.11.2023й. - ҳ.в.: “ANOR BANK" АЖ Бошқаруви раиси ўринбосари | 0 |
| | | Хан Сергей Дмитриевич | Бошқарув раиси ўринбосари. Тайинланган сана – 06.03.2025й.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>02.11.2022й. – 02.04.2023й. “ANOR BANK" АЖ Хамкорлик тармоғини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи;<br>03.04.2023й. - 05.03.2025й. “ANOR BANK" АЖ Хамкорлик дастури департаменти директори;<br>06.03.2025й. - ҳ.в.: “ANOR BANK" АЖ Бошқаруви раиси ўринбосари. | 0 |
| | | Нурутдинова Мадина Джалалитдиновна | Бошқарув раиси ўринбосари. Тайинланган сана – 26.09.2025й.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>28.07.2021й. - 31.07.2025 й. “ANOR BANK" АЖ Кузатув кенгаши аъзоси;<br>01.08.2025й. – 25.09.2025й. – Стратегик ривожланиш бўйича | 0 |

| | | |
|---|---|---|
| | бошқарувчи директор;<br>26.09.2025й. - ҳ.в.: “ANOR BANK" АЖ Бошқарув раиси ўринбосари. | |
| Занахов Тимур Фархидович | Юридик бошқармаси бошлиғи.<br>Тайинланган сана - 04.09.2020й.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>04.09.2020й. - ҳ.в.: “ANOR BANK" АЖ Юридик бошқармаси бошлиғи | 0 |

**27. Жамият ижроия органининг вазифаси топширилган ташкилот тўғрисидаги маълумот.**

Банк ижроия органининг вазифаси бошқа ташкилотга берилмаган.

**28. Мукофот ҳамда иш ҳақининг умумий миқдори, шунингдек, сўнгги 3 йил учун мазкур Рисоланинг 24, 26 ва 27-бандларида кўрсатилган жамиятнинг шахсларига берилган ва тўланган имтиёзлар.**

| Мазмуни | 2023 | 2024 | 2025 |
|---|---|---|---|
| Банк кузатув кенгаш аъзоларига жами тўланган иш ҳақи ва имтиёзлар миқдори | 1 329 600 000,00 | 5 592 475 000,00 | 6 829 862 997,22 |
| Банк ижроия органига жами тўланган иш ҳақи ва имтиёзлар миқдори | 482 299 926,13 | 400 680 346,91 | 280 117 402,60 |

**29. Жамиятнинг 5 ва ундан ортиқ фоиз акциялари (улуши)га эга бўлган акциядорлари (иштирокчилари).**

1. Олимов Кахрамонжон Анварович:
- акциядорнинг банк устав капиталидаги улуши умумий ҳажмига фоиз нисбатида: 49,39 %;
- таъсисчи ёки йирик акциядор (иштирокчи) жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг 5 ва ундан ортиқ фоизига ёки устав капиталидаги иштирок этиш улушига эгалик қилишни бошлаган сана: 24.09.2020й.

2. “ Bekamin B.V.”:
- солиқ тўловчининг индивидуал рақами: 74996002 (KVK);
- Жойлашган манзили: Нидерландия Қироллиги, Роттердам шахри, Weena 695, V7.052, 3013AM;
- акциядорнинг банк устав капиталидаги улуши умумий ҳажмига фоиз нисбатида: 50%;
- таъсисчи ёки йирик акциядор (иштирокчи) жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг 5 ва ундан ортиқ фоизига ёки устав капиталидаги иштирок этиш улушига эгалик қилишни бошлаган сана: 09.12.2025й.

**30. Жамиятнинг бошқа аффилланган шахслари тўғрисидаги маълумотлар.**

| № | Аффилланган шахснинг тўлиқ номи | Шахснинг аффилланганлиги асослари |
|---|---|---|
| 1. | Носиров Шоодил Носирович | Кузатув кенгаши раиси |
| 2. | Олимов Кахрамонжон Анварович | Кузатув кенгаши аъзоси – банк акцияларининг йигирма ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи жисмоний шахс |
| 3. | Алимов Икром Исмаилджанович | Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси |
| 4. | Максимилиан Эдвард Джонсон (Maximilian Edward Johnson) | Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | 5. | Стефани Ривоал (Stephanie Rivoal) | Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси |
| | 6. | Юлдашев Бахадир Ташпулатович | Кузатув кенгаши аъзоси |
| | 7. | Сафаров Музаффар Абдиназарович | Кузатув кенгаши аъзоси |
| | 8. | Шамансурова Барно Музаффаровна | Кузатув кенгаши аъзоси |
| | 9. | Джуманиязова Анаджан Кудратовна | Кузатув кенгаши аъзоси |
| | 10. | Акрамов Шерзод Салимович | Бошқарув Раиси |
| | 11. | Наджимитдинов Элёр Рустамович | Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари – Бошқарув аъзоси ваколатларини амалга оширувчи шахс |
| | 12. | Кадиров Элбек Рустамович | Бошқарув раисининг ўринбосари – Бошқарув аъзоси ваколатларини амалга оширувчи шахс |
| | 13. | Сайдуллаев Анвар Рустамович | Бошқарув раисининг ўринбосари – Бошқарув аъзоси ваколатларини амалга оширувчи шахс |
| | 14. | Нурутдинова Мадина Джалалитдиновна | Бошқарув раисининг ўринбосари – Бошқарув аъзоси ваколатларини амалга оширувчи шахс |
| | 15. | Хан Сергей Дмитриевич | Бошқарув раисининг ўринбосари – Бошқарув аъзоси ваколатларини амалга оширувчи шахс |
| | 16. | Занахов Тимур Фархидович | Юридик бўлим бошлиғи – Бошқарув аъзоси ваколатларини амалга оширувчи шахс |
| | 17. | « KAPITAL SUG’URTA» акциядорлик жамияти | Устав фондида (устав капиталида) улуши йигирма ва ундан ортиқ фоиз бўлган юридик шахс ушбу жамиятнинг устав фондида (устав капиталида) улуши йигирма ва ундан ортиқ фоизга ега бўлган шахс сифатида эгалик қилади. |
| | 18. | «DYNAMIC ENERGY» масъулияти чекланган жамияти | Устав фондида (устав капиталида) улуши йигирма ва ундан ортиқ фоиз бўлган юридик шахс ушбу жамиятнинг устав фондида (устав капиталида) улуши йигирма ва ундан ортиқ фоизга ега бўлган шахс сифатида эгалик қилади. |
| | 19. | «ANOR ASSETS» масъулияти чекланган жамияти | Устав фондида (устав капиталида) улуши йигирма ва ундан ортиқ фоиз бўлган юридик шахс ушбу жамиятнинг устав фондида (устав капиталида) улуши йигирма ва ундан ортиқ фоизга ега бўлган шахс сифатида эгалик қилади. |
| | 20. | «ANOR ESTATE» масъулияти чекланган жамияти | Ушбу жамиятнинг шуъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс |
| | 21. | Bekamin B.V. | Банкнинг 20 ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи юридик шахс |

## 5-боб. Жамиятининг молиявий-иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари

| **31.** | **Жамият фаолияти турлари.** |
|---|---|
| | **асосий фаолият тури ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар) турлари:**<br>Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2020-йил 22-августда 87-сонли Банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга асосан фаолият кўрсатади. Банкнинг асосий фаолият тури банк хизматларини кўрсатишдан иборат. Ўз фаолият мақсадига эришиш учун банк қуйидаги хизматларни амалга оширади:<br>1. Пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб етиш; |

| | |
|---|---|
| | 2. Тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;<br>3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;<br>4. Кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб етилган маблағлар ҳисобидан бериш;<br>5. Чет ел валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операсиялар;<br>6. Жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича пул маблағларини ва бошқа мол-мулкни ишончли бошқариш;<br>7. Инкассасия ва касса хизматларини кўрсатиш;<br>8. Учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;<br>9. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига эвазига молиялаш (факторинг) шартномасига асосан талаб қилиш ҳуқуқини олиш ёки бошқа шахсда бериш;<br>10. Қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;<br>11. Аффинланган қимматбаҳо металлар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;<br>12. Қимматбаҳо металлардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;<br>13. Ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;<br>14.Ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;<br>15. Лизинг бериш;<br>16. Қонунчиликда назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;<br>17. Молиявий операсиялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;<br>18. Активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;<br>19. Электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;<br>20. Банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш;<br>21. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича хизматларни рўйхатдан ўтказувчи орган билан электрон ахборот алмашиш орқали кўрсатиш.<br>Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.<br>**жамиятнинг лицензиялари (патентлари) тўғрисидаги маълумотлар:**<br>Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2020-йил 22-августда 87-сонли Банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга асосан фаолият кўрсатади. |
| **32.** | **Жамиятнинг бозордаги улуши тўғрисидаги маълумот.** |
| | Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2025-йил 31-декабр куни Республикадаги мавжуд банклар жамланма статистик маълумотига мувофиқ, бозорда қуйидаги улушларга эга:<br>- жами активлар бўйича: банкнинг жами активлари 15 448,00 (ўн беш триллион тўрт юз қириқ саккиз миллиард) миллиард сўм бўлиб, Республикадаги мавжуд банкларнинг умумий актив суммасига нисбатан 1,67 (бир бутун юздан олтмиш етти) фоиз улушига эга; |

| | |
|---|---|
| | - жами кредит қўйилмалари қолдиғи бўйича: банкнинг жами кредит қўйилмалари қолдиғи 10 652 (ўн триллион олти юз эллик икки миллиард) миллиард сўм бўлиб, Республикадаги мавжуд банкларининг умумий кредит қўйилмалари суммасига нисбатан 1,67 (бир бутун юздан олтмиш етти) фоиз улушига эга;<br>- жами капитали бўйича: банкнинг жами капитали 1 368 (бир триллион уч юз олтмиш саккиз миллиард) миллиард сўм бўлиб, Республикадаги мавжуд банкларининг умумий капитал суммасига нисбатан 1,0% (бир) фоиз улушига эга;<br>- жами соф фойда бўйича: банкнинг жами соф фойдаси 325 (уч юз йигирма беш миллиард) сўм бўлиб, Республикадаги мавжуд банкларининг умумий соф фойдаси суммасига нисбатан 1,95 (бир бутун юздан тўқсон беш) фоиз улушига эга. |
| **33.** | **Соҳанинг келажакдаги тараққиёти борасидаги прогнозлар ва ушбу соҳадаги жамиятнинг ўрни.** |

"ANOR BANK" АЖ жамиятда замонавий, рақамли ва мижозга йўналтирилган молиявий институт сифатида муҳим ўрин эгаллайди. Банк барча хизматларни расмий сайти, мобил иловаси ёки 24 соат ишлайдиган алоқа маркази орқали тақдим этиб, аҳоли учун молиявий хизматларни янада қулай ва тезкор қилди.

Бугунги кунда мамлакат аҳолиси тобора мобиллашиб, рақамли технологиялардан фойдаланишни афзал кўрмоқда. Шу жиҳатдан, Банк танлаган рақамли концепция ўзини тўлиқ оқламоқда. Банк анъанавий филиаллар тармоғини кенгайтириш ўрнига, бутун мамлакат бўйлаб миллионлаб қурилмалар орқали мижозлар учун доимий ва узлуксиз хизмат кўрсатиш имкониятини яратди. Бу эса вақтни тежаш, масофадан туриб хизмат олиш ва дунёнинг исталган нуқтасидан 24/7 банк хизматларидан фойдаланиш имконини беради.

Банк ҳар бир мижозга индивидуал ёндашувни сақлаган ҳолда, маълумотларга ишлов беришда юқори даражадаги хавфсизликни кафолатлайди. Ҳар қандай мурожаатга максимал даражада тезкор ва самарали жавоб бериш учун катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилган.

Банкнинг ривожланиш стратегиясининг асоси — мижозга йўналтирилганликдир. Зийраклик, масъулият ва ёрдам бериш истаги банк ходимлари фаолиятининг асосий тамойили ҳисобланади. Шу орқали банк жамиятда ишончли молиявий ҳамкор сифатида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда.

*(млрд. сўм ҳисобида)*

| Кўрсаткичлар 2023-йил якунида | 2024-йил якунида (факт) | 2025-йил якунида (факт) | 2026-йил якунида (прогноз) |
|---|---|---|---|
| Активлар | 10 095 | 15 488 | 24 910 |
| Кредит қўйилмалари | 7 116 | 10 652 | 19 030 |
| Капитал | 1 008 | 1 368 | 1 970 |
| Соф фойда | 176 | 325 | 461 |

| | |
|---|---|
| **34.** | **Сўнгги 3 йил ичида ёки жамиятнинг расмий фаолияти даврида сотилган маҳсулотлар (бажарилган иш, хизматлар) ҳажми.** |

Банк томонидан сўнги 3 йил ичида банк фаолиятида ажратилган жами кредитлар ҳажми қуйидагича:

2023 йил якуни бўйича 3 129 (уч триллион бир юз йигирма тўққиз миллиард) миллиард сўм.

2024 йил якуни бўйича 7 116 (етти триллион бир юз ўн олти миллиард) миллиард сўм.

2025 йил якуни бўйича 10 652 (Ўн триллион олти юз эллик икки миллиард) миллиард сўм.

| | |
|---|---|
| **35.** | **Жамиятнинг ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари)ни сотишни ташкил этиш бўйича фаолияти.** |
| | Олинган молиялаштиршнинг умумий миқдорининг 10 фоизи ёки ундан кўпроғини ташкил этадиган Банкнинг кредиторлари:<br>- BlueOrchard Finance Ltd. - Швейцариянинг етакчи актив бошқарувчиси бўлиб, ижтимоий таъсирга эга инвестицияларга ихтисослашган. Юридик шахс FINMA томонидан авторизация қилинган, Швейцарияда Seefeldstrasse 233, 8008 Zurich, Switzerland манзилида рўйхатдан ўтган.<br><br>- Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси (ICD): Кўп томонлама молиявий ташкилот бўлиб, Ислом тараққиёт банкининг (ИсДБ) филиали ҳисобланади. Бош офис манзили: 8111 King Khalid St., Al-Nuja Dist., Жидда 22332-2444, Саудия Арабистони.<br>Берилган кредитлар умумий кредит улушидан 10 фоизи ёки ундан кўпроғини ташкил этадиган Банкнинг қарз олувчилари:<br>Умумий кредит улушидан 10 фоизи ёки ундан кўпроғини ташкил этадиган «ANOR BANK» АЖнинг қарз олувчилари мавжуд эмас. |
| **36.** | **Жамият фаолиятига таъсир қиладиган омиллар.** |
| | **а) жамият фаолияти асосий турлари бўйича савдо (иш, хизмат) даромадлилигига ижобий ва салбий таъсир қиладиган омиллар.**<br>Банк фаолиятининг даромадлилига қуйидаги ижобий ва салбий омиллар таъсир кўрсатади:<br>***Ижобий омиллар:***<br>"ANOR BANK" АЖ фаолияти ривожининг ижобий динамикаси.<br>Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий кўрсаткичларининг барқарор ўсиши.<br>Мамлакатда электрон тижорат ва финтех хизматларининг жадал ривожланиши.<br>Сўнгги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар натижасида барқарорликнинг мустаҳкамланиши.<br>Кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши ва ресурс базасининг кенгайиши.<br>Инвесторлар ва қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятлари.<br>Аҳолининг банк хизматлари ва кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжининг ортиши.<br><br>***Салбий омиллар:***<br>Қонунчиликка киритиладиган ўзгартишлар.<br>Иқтисодиётда нақд пул айланмасининг юқори улуши.<br>Кредитларнинг ўз вақтида қайтмаслик эҳтимоли.<br>Банк ресурс базасининг етишмаслиги ёки аҳолининг кредитга бўлган талабининг пасайиши.<br>Ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш, карантин чекловлари ва бошқалар).<br>Халқаро, банклараро ёки электрон тўлов тизимларидаги техник носозликлар.<br><br>**б) жамиятнинг суд жараёнларидаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар:**<br>Банкнинг жавобгар ва даъвогар сифатида иштирок этган суд жараёнлари мавжуд эмас.<br><br>**в) ваколатли давлат органлари ва (ёки) суд томонидан сўнгги 3 йил давомида жамиятга ва унинг бошқарув органи аъзоларига нисбатан қўлланган барча маъмурий жазолар (санкциялар, жумладан молиявий) тўғрисидаги маълумотлар:** |

Сўнги 3 (уч) йил давомида ваколатли давлат органлари ва (ёки) суд томонидан банкга ва унинг бошқарув органи аъзоларига нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилмаган.

**г) таваккалчилик омиллари:**

***жамият фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарлар:***

- Банк фаолияти давомида бир қатор сезиларли таваккалчиликлар юзага келиши мумкин. Булар асосан кредит, ликвидлилик, бозор, банк портфелида юзага келувчи фоиз тавакалчиликлари ва операцион таваккалчилик ҳисобланади. Мазкур таваккалчиликлар бўйича риск аппетити доирасида лимитлар белгиланган ҳолда юқори таваккалчилик ҳолатлари юзага келишини олдини олиш бўйича доимий назорат юритилади.
- Банкда энг асосий тавакалчилик кредит таваккалчилиги бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган меъёрлар, банк томонидан таваккалчиликлар бўйича ишлаб чиқилган меърий хужжатлар, ўрнатилган риск-аппетити лимитлари, скоринг тизими, банкнинг коллегиал органлари қарорлари ҳамда даврий равишда ўтказиб бориладиган стресс-тест натижалари асосида бошқарилади.

***тармоқ хавф-хатарлари:***

Тармоқдаги салбий ўзгаришлар (иқтисодий пасайиш, ликвидлик инқирози) банкнинг асосий кўрсаткичларига занжирсимон таъсир кўрсатиши мумкин. Бунда, энг аҳамиятли ўзгаришлар сифатида ички ва ташқи ўзгаришларни мисол бўлиши мумкин.

Ички бозорда содир бўлиши мумкин бўлган энг аҳамиятли ўзгаришлар - Марказий банк томонидан захиралар, ликвидлилик ва капиталга қўйиладиган талабларнинг ўзгариши.

Ташқи бозорда содир бўлиши мумкин бўлган энг аҳамиятли ўзгаришлар - санкциялар ва халқаро тўлов тизимларидаги чекловлар туфайли вакиллик ҳисобварақлари билан боғлиқ муаммолар.

Бозорда хомашё ва хизматлар нархи ўзгариши билан боғлиқ хатарлар ҳам Банк фаолиятига таъсир қилиши мумкин. Масалан, Марказий банк асосий ставкаси, SOFR ва EURIBOR ставкаларининг ёки Операцион харажатларнинг кескин ўсиши.

***молиявий хавф-хатарлар:***

Банк томонидан ликвидлилик таваккалчилиги - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган пруденциал меъёрлар, банк томонидан ўрнатилган риск-аппетити лимитлари, актив ва мужбуриятлар муддатлари таҳлили ва даврий равишда ўтказиб бориладиган стресс-тест натижалари асосида камайтирилади.

Банкда бозор таваккалчилиги - банк томонидан ўрнатилган риск-аппетити лимитлари, ички меъёрий хужжатлар, валюта курслари, фоиз ставкалари ва молиявий инструментлар нархларининг ўзгариши таҳлиллари ҳамда даврий равишда ўтказиб бориладиган стресс-тест натижалари асосида бошқарилади.

Банкда банк портфелида юзага келувчи фоиз таваккалчилиги - ўрнатилган риск-аппетити лимитлари, ички меъёрий хужжатлар, бозордаги фоиз ставкалар ўзгаришининг банк портфелидаги активлар ва мажбуриятларга таъсир қилиши таҳлиллари ва даврий равишда ўтказиб бориладиган стресс-тест натижалари асосида бошқарилади.

***ҳуқуқий хавф-хатарлар:***

| | |
|---|---|
| | Комплаенс рисклар-Марказий банк ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупсияга қарши курашиш Агентлиги томонидан белгилаб берилган норматив-ҳуқуқий хужжатларга ҳамда банкнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати шунингдек, банк бошқаруви томонидан тасдиқланган йўл харитасига мувофиқ назорат қилинади.<br><br>***операцион хавф-хатарлар:***<br>Банк томонидан операцион таваккалчилик - ўрнатилган риск-аппетити лимитлари, ички меъёрий хужжатлар асосида, фирибгарликларни, банк фаолиятидаги нобарқарорликларни, ички тизимлардаги муаммоларни, тўловларни амалга ошириш ва тўлов топшириқларини тақдим этишдаги муаммоларни таҳлил қилиш ва стресс-тест натижалари орқали камайтирилади.<br><br>***жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун муҳим деб билган бошқа хавф-хатарлар:***<br>Ушбу эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар Банк ўз қимматли қоғозларини сотиб олиш тўғрисидаги қарорга таъсир қилувчи бошқа аҳамиятли хатарларни аниқламаган. |
| **37.** | **Хатарларни бошқаришда жамият сиёсати тўғрисидаги маълумотлар.** |
| | Банкнинг таваккалчиликларни бошқариш сиёсати Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар тўғрисида”ги 3427-сонли Низом талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, таваккалчиликларни бошқариш тизими ҳимоянинг уч чизиғи методига асосланади.<br>Банкнинг таваккалчиликларни бошқариш сиёсатига мувофиқ таваккалчиларни бошқариш таваккалчиликларни аниқлаш, ўлчаш, мониторинг ва назорат қилиш, ҳисоботини юритиш ҳамда камайтиришга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш каби жараёнлар орқали амалга оширилади. Ушбу жараёнлар Банкнинг барча сезиларли таваккалчиликлари бўйича амалга оширилади. Булар:<br>- кредит таваккалчилиги;<br>- ликвидлилик таваккалчилиги;<br>- бозор таваккалчилиги;<br>- банк портфелида юазага келувчи фоиз таваккалчилиги;<br>- операцион таваккалчилиги;<br>- мамлакат таваккалчилиги;<br>- комплаенс таваккалчилиги. |
| **38.** | **Жамиятнинг устав капитали тўғрисидаги маълумотлар.** |
| | 2025 йил 31 декабр ҳолатига:<br>**уставга кўра устав капитали ҳажми, сўмда:** 800 000 000 000 (саккиз юз миллиард) сўм;<br>**ҳисоб баланси бўйича устав капитали ҳажми, сўмда:** 800 000 000 000 (саккиз юз миллиард) сўм;<br>**устав капиталининг тўланган қисми миқдори, сўмда:** 800 000 000 000 (саккиз юз миллиард) сўм. |
| **39.** | **Жамиятнинг ўз капитали тўғрисидаги маълумотлар, сўмда.** |
| | 2026 йил 5-март ҳолатига, 1 406 484 955 000 (бир триллион тўрт юз олти миллиард тўрт юз саксон тўрт миллион тўққиз юз эллик беш минг) сўм ташкил этди. |
| **40.** | **Захира фонди тўғрисидаги маълумот.** |
| | Захира фондининг устав бўйича миқдори: устав капиталининг 15 фоизи;<br>Қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санага қадар захира фондининг асл миқдори: 18 627 916 000 (ўн саккиз миллиард олти юз |

| | |
|---|---|
| | йигирма етти миллион тўққиз юз ўн олти минг) сўм, бу устав капиталининг 2,35 фоизини ташкил қилади;<br>Захира фонди ҳар йилги соф фойданинг 5 фоизини йўналтириш орқали шакллантирилади (тўлдирилади). |
| **41.** | **Асосий молиявий кўрсаткичлар.** |
| | Банк 2025 йил 31 декабр ҳолатига тузилган молиявий баланс ҳисоботи бўйича қуйидаги асосий молиявий кўрсаткичларга эга:<br>- Тўлов қобилияти коэффициенти: 1,52<br>- Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти: 2,03<br>- Ликвидлик коэффициенти:<br>• Юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши: 0,19<br>• Ликвидликни қоплаш меъёри коэффициенти: 1,47<br>• Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти: 1,09<br>- Харажатларнинг рентабеллик коэффициенти: 0,11 |
| | **Жамиятнинг ҳисоб юритиш сиёсати ҳақидаги маълумотлар.** |
| | Банкнинг ҳисоб юритиш сиёсати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган “Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси тўғрисида”ги йўриқнома (26.11.2021й. 3336-сон) ва банкнинг ички ҳисоб юритиш сиёсатига мувофиқ амалга оширилади. |
| **43.** | **Сўнгги 3 тугалланган молиявий йил учун даромаддан фойдаланиш асосий йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар, минг сўм.** |

| Номланиши | 2023 йил якуни МҲХС бўйича | 2024 йил якуни БҲМС бўйича | 2025 йил якуни БҲМС бўйича |
|---|---|---|---|
| **Соф фойда** | | | |
| Захира капитали | 0 | 9 114 209 | 18 627 916 |
| Дивиденд тўлови | 0 | 31 427 500 | 35 312 300 |
| Тақсимланмаган фойда | 49 160 142 | 269 031 298 | 549 570 374 |

| | |
|---|---|
| **44.** | **Мазкур Рисола тасдиқланган кунгача сўнгги йил учун аффилланган шахслар билан тузилган йирик битимлар тўғрисидаги маълумотлар.** |
| | Мазкур Рисола тасдиқланган кунгача сўнгги йил учун аффилланган шахслар билан йирик битимлар тузилмаган. |
| **45.** | **Жамият активлари умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган активлар, ҳар бир активнинг тегишли баланс қиймати кўрсатилади.** |
| | 2025 йил 31 декабр ҳолатига Кредит ва лизинглар 10 652 422 710 000 (ўн триллион олти юз эллик икки миллиард тўрт юз йигирма икки миллион етти юз ўн минг) сўм. |
| **46.** | **Жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги дебиторлик қарзи.** |
| | Банкда активларнинг баланс қийматидан 10 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этувчи дебиторлик қарзи мавжуд эмас. |
| **47.** | **Жамиятнинг аосий фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ва жамият мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи.** |
| | Банкнинг аосий фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ва Банк мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи мавжуд эмас. |

**48. Жамият томонидан асосий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, жамият мажбуриятларининг баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи.**

Банк томонидан асосий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, Банк мажбуриятларининг баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи мавжуд эмас.

**49. Сўндирилмаган кредитлар (қарзлар) тўғрисидаги маълумотлар.**

| **Номи** | **Асосий шартлари** | **Тугаш санаси** | **Сўндирилмаган тўлов қисми (сўм)** |
|---|---|---|---|
| BLUEORCHARD MICROFINANCE FUND | Муддати: 36 ойга<br>Фоизи: 21% | 9-декабр 2028й. | 89 724 225 000 |
| COVID-19 Emerging and Frontier Markets MSME Support Fund SCSp SICAV-RAIF | Муддати: 39 ойга<br>Фоизи: 21% | 9-март 2029й. | 59 816 150 000 |
| | | | |
| BlueOrchard Impact Credit S.A. SICAV-RAIF | Муддати: 36 ойга<br>Фоизи: 21% | 09-декабр 2028й. | 35 889 690 000 |

**50. Солиқ тўловлари бўйича муддати ўтиб кетган қарз миқдори, сўмда.**

Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш вақтида Банкда муддати ўтган солиқ қарзлари мавжуд эмас.

**51. Активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган жамиятнинг инвестициялари тўғрисидаги маълумотлар.**

Мазкур рисола тасдиқланган кунгача ва сўнгги йил учун Активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган инвестициялари мавжуд эмас.

## 6-боб. Якуний қоидалар

**52. Мазкур Рисола нусхалари ва асл нусхаси билан танишиш тартиби ва жойи тўғрисида маълумот.**

Банкнинг облигациялар эмиссия рисоласи нусхалари ва асл нусхаси билан, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Шахрисабз кўчаси 85 уй манзилида жойлашган банкнинг маъмурий биносида, хафтанинг иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача бўлган вакт давомида танишиш мумкин.

Мулоқот телефони: +998 (55) 503-00-00;

Электрон почта манзили: info@anorbank.uz.

Мазкур облигацияларни чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги корпоратив ахборот ягона портали (www.openinfo.uz), банкнинг расмий веб-сайти (www.anorbank.uz) ва “Тошкент” Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz) ошкор қилинади.

**53. Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши шартлари жойлаштириладиган ахборот-маълумот тизимлари, даврий нашрлар манзиллари ва номлари.**

Мазкур облигацияларни чиқарилиши билан боғлиқ ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда Корпоратив ахборот ягона порталида: (www.openinfo.uz), “Тошкент” Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz) ҳамда Банкнинг расмий веб сайтида (www.anorbank.uz) ошкор қилинади.

| | |
|---|---|
| **54.** | **Жамият қимматли қоғозларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун жамиятнинг фикрига кўра ошкор этилиши зарур бўлган бошқа маълумотлар.** |
| | Мазкур рисола бандларида банк тўғрисидаги барча зарур маълумотлар ошкор этилган. |